СамДВМЧБУ «Ички юқумсиз касалликлар» кафедраси доценти М.Б.Сафаровнинг «60840100-Ветеринария медицинаси» таълим йўналиши 3-босқич бакалавриат талабалари учун «Клиническая диагностика» фанидан «Овқат ҳазм қилиш тизими аъзоларини текшириш усуллари» мавзусидаги очиқ маърўза дарси ишланмасига

## ТАҚРИЗ

Бугунги кунда ветеринария соҳасидаги муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва ечимларини топишда ҳайвон органларини текшириш ва олинган маълумотларни илмий таҳлил қилиб, тўғри ва аниқ диагноз қўйиб самарали даволашда бўлажак мутахассисларнинг овқат ҳазм қилиш аъзоларини текшириш усулларини пухта ўрганиб амалиётда қўллай олишлари катта аҳамиятга эга.

Овқат ҳазм қилиш тизими аъзолари ҳайвон организмида бош, бўйин, кўкрак ва қорин бўшлиқларида жойлашган бўлиб, механик, секретор, мономерларнинг қонга сўрилиши, экскретор ва ҳимоя вазифаларини бажаради ҳамда ҳужайраларга керакли моддаларни етказиб, ҳайвоннинг соғлиги ва маҳсулдорлигини таъминлайди. Амалиётда ҳазм тизими аъзоларининг касалликлари кўп учрайди ва катта иқтисодий зарар етказади. Ветеринария шифокорлари бу касалликларни ўз вақтида аниқлаб, тўғри диагноз қўйиб самарали даволашлари учун «Клиник диагностика» фанидан шу аъзоларни текшириш тартиби ва усулларини яхши ўрганиб, ўзлаштиришлари керак.

«Овқат ҳазм қилиш тизими органларини текшириш» мавзуси бўйича ўтказиладиган очиқ маърўза дарси учун тайёрланган рус тилидаги маърўза матнида дарс бериш технологияси, технологик харитаси, янги педагогик технологиялар, талабаларни рағбатлантирувчи саволлар, фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати; оғиз бўшлиғи, томоқ ва қизилўнгач, кавшовчи ҳайвонларда ошқозон олди бўлимлари ва ширдонни текшириш тартиби, усуллари, аниқланадиган кўрсаткичлар, бу кўрсаткичларнинг соғлом ва касал ҳайвонлардаги ҳолатлари рус тилида батафсил келтирилган. Бундан ташқари, талабаларга тушунарли бўлиши учун ишланмада текшириш усулларини бажариш методикалари расмлари етарли миқдорда келтирилган.

Тайёрланган ушбу маърўза дарсининг ишланмаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги қонун талабларига мос келади деб ҳисоблайман. Ушбу маърўза матни равон, тушунарли ёзилган бўлиб, талабаларнинг шу мавзу бўйича етарли даражада билим олишларига хизмат қилади ва билим олувчи талабалар учун юқори самарали ишланма деб ҳисоблайман ва ўқув жараёнида қўллаш учун тавсия этаман.

Ички юқумсиз касалликлар
кафедраси профессори, в.ф.д. Бакиров Б.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VETERINARIYA VA CHORVACHILIKNI RIVOJLANTIRISH DAVLAT QO'MITASI • SAMARQAND DAVLAT VETERINARIYA MEDITSINASI CHORVACHILIK VA BIOTEXNOLOGIYALAR UNIVERSITETI
DEVONXONA

СамДВМЧБУ «Ички юқумсиз касалликлар» кафедраси доценти М.Б.Сафаровнинг «60840100-Ветеринария медицинаси» таълим йўналиши 3-босқич бакалавриат талабалари учун «Клиническая диагностика» фанидан «Овқат ҳазм қилиш тизими аъзоларини текшириш усуллари» мавзусидаги очиқ маърўза дарси ишланмасига

## ТАҚРИЗ

Ветеринария шифокорининг асосий вазифаси касал ҳайвонни режа асосида текшириб, олинган маълумотларни илмий таҳлил қилиб, тўғри ва аниқ ташхис қўйиш ҳамда самарали даволашдан иборат. Бунинг учун бўлажак шифокорлар «Клиник диагностика» фанидан барча текшириш усулларини етарли даражада ўқиб ўзлаштириб, амалиётда қўллай олишлари лозим.

Овқат ҳазм қилиш тизими аъзоларининг анатомо-физиологик хусусиятларини, текшириш тартиби ва усулларини тўғри ва аниқ бажарган мутахассис тўғри диагноз қўя олади.

«Овқат ҳазм қилиш тизими органларини текшириш» мавзуси бўйича ўтказиладиган очиқ маърўза дарси учун тайёрланган рус тилидаги маърўза матнида дарс бериш технологияси, технологик харитаси, янги педагогик технологиялар, талабаларни рағбатлантирувчи саволлар, фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати; оғиз бўшлиғи, томоқ ва қизилўнгач, кавшовчи ҳайвонларда ошқозон олди бўлимлари ва ширдонни текшириш тартиби, усуллари, аниқланадиган кўрсаткичлар, бу кўрсаткичларнинг соғлом ва касал ҳайвонлардаги ҳолатлари рус тилида батафсил келтирилган. Бундан ташқари, талабаларга тушунарли бўлиши учун ишланмада текшириш усулларини бажариш методикалари расмлари етарли миқдорда келтирилган.

Талабаларга тушунарли бўлиши учун оғиз ва оғиз бўшлиғидаги аъзоларни, томоқ ва қизилўнгачни, кавшовчи ҳайвонларда каттақорин, тўрқорин, қатқорин ва ширдонни текшириш тартиби, усуллари намойиш этилган кўпгина расмлар киритилган.

Ушбу очиқ маърўза дарсининг матни рус тилида равон, тушунарли 20 бетда ёзилган бўлиб, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги қонун талабларига мос келади ва билим олувчи талабалар учун юқори самарали деб ҳисоблайман ва ўқув жараёнида қўллаш учун тавсия этаман.

Ветеринария жарроҳлиги
ва акушерлик кафедраси
профессори, в.ф.д. Эшбўриев Б.М.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VETERINARIYA VA CHORVACHILIKNI RIVOJLANTIRISH DAVLAT QO'MITASI • SAMARQAND DAVLAT VETERINARIYA MEDITSINASI CHORVACHILIK VA BIOTEXNOLOGIYALAR UNIVERSITETI
DEVONXONA

CamScanner yordamida skanerlangan